

ПИЁДА ИШТИРОКИДА ЁНЛАНМА МАСОФА САҚЛАНМАСДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЙТХ ТАҲЛИЛИ

Ўткир Исоханов

Тошкент давлат транспорт университети

Эркинжон Абдусаматов

Тошкент давлат транспорт университети

Салоҳиддин Турдибеков

Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация: Ушбу мақолада йўл транспорт ҳодисаларида ёнланма масофани сақламасдан пиёдани уриб кетиш ҳолати таҳлили келтириб ўтилган.

Abstract: In this article, the analysis of the situation of hitting a pedestrian without keeping the side distance in road traffic accidents is presented.

Калит сўзлар: Қўзғалмас тўсиқ (объект), пиёда, ёнланма масофа

Key words: Immovable obstacle (object), pedestrian, lateral distance

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси йўлларида 10 минггача йўл транспорт ҳодисаси содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида ўтган йили 2,5 мингга яқин инсонлар бевақт ҳаётдан кўз юмади, 9 мингдан ортиғи турли даражадаги тан жароҳати олишади.

Йўл транспорт ҳодисаларининг 20 % белгиланган тезликка риоя қилмасликлари, 25 % йўллардаги носозликлар, 47 % пиёдalar иштирокида, 10 % ҳайдовчиларнинг тажрибасизлиги, 8 % йўлнинг қарама-қарши ҳаракат йўналишига чиқиб кетишлиги, 6 % велоёйлак бўлмаганлиги оқибатида содир этилган.

Бундан кўриниб турибдики, йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпроқ улушини пиёдalar иштирокидаги содир этилаётган ЙТХлари эканлигини кўрсатмоқда. Оқибатда ўтган йили жами 965 нафар пиёдalar вафот этган бўлса, шундан 263 нафари болаларни ташкил этади.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2021-2022 йилларнинг 6 ой давомида содир этилган йўл транспорт ҳодисалари таҳлили

Хавфсиз ёнлама оралиқ масофаси деганда, ҳайдовчи томонидан автомашинанинг ўнг ва чап ён томонидан тўсатдан пайдо бўлган хавфдан ҳимояланиши учун мўлжалланган ёнлама оралиқ масофаси тушунилади (масалан, ён томонда ҳаракатланаётган автомашина эшигининг ўз-ўзидан очилиб кетиши, ҳайдовчи томонидан ҳаракатланаётган бўлак ва ён тўсиқ ўртасидаги ёнлама масофа, ўнг ва чап томондаги транспорт воситасининг олд ва орқа томонидан тўсатдан чиқиб қолиши мумкин бўлган (объект) хавфга нисбатан ёнлама масофа ва ҳ.к.).

Агар транспорт воситаларининг ёнлама тўкнашуви содир бўлган бўлса, ҳайдовчи томонидан танланиши керак бўлган хавфсиз ёнлама оралиқ масофа ўлчами ҳақидаги савол мантиқий эмас, чунки тўкнашувларни эксперт иштирокида текширилиши ва ҳолатларга аниқлик киритилиши лозим. (масалан, ҳайдовчи транспорт воситасини ҳаракатланаётган бўлагидан ён томонидаги тўсиқ томон тўсатдан силжишига олиб келадиган носозлик юзага келишини олдиндан кўра олмайди, ён тўсиқнинг тўсатдан силжиб қолиши, йўловчининг ҳаракатсиз транспорт воситаси олд ва ортидан қатнов қисмига эҳтиётсизлик билан чиқиб қолиши ва бошқалар), айрим ҳолларда содир бўлган ёнлама тўкнашув фактларининг ўзи ёнлама хавфсиз масофани танлашда ҳайдовчининг хатосини кўрсатади.

Экспертиза амалиётида хавфсиз ёнлама(интервал) оралиқ масофа қийматини ҳар доим яъни, қачон транспорт воситасидан ўтқазиб юбориш ёки у ҳаракатланаётган йўналиш тасмасини бўшатиб қўйиш заруратини аниқлаш лозим.

Хавфсиз ёнлама оралиқ, шунингдек, ҳайдовчи ҳаракатланаётган тезликда тўсатдан чиқиб қолиб ҳаракатсиз ҳолда турган пиёда(ушбу тўсиқ) билан тўкнашувнинг олдини олиш имкониятига эга бўлган, транспорт воситаси ҳаракатланаётган бўлагидан ушбу кўзгалмас тўсиқни четлаб ўтишдаги кўриниш орасидаги масофа ва ёнлама масофа тушунилади. Масофанинг қиймати ҳайдовчининг пиёдани идрок этиш тахминий вақтининг хавфни бартараф этиш учун транспорт воситасининг ҳаракатланиш бўлагини ўзгартириши ва тўлиқ тўхташ вақтига тенглиги шарти асосида аниқланади.

Тадқиқот сифатида Дамас автомобили билан пиёда ўртасида содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси танлаб олинди. Суд автотехник экспертизаларини бажариш бўйича услубий қўлланмаларга мувофиқ, (Методические рекомендации по производству автотехнической экспертизы, Кристи Н.М. М. ЦНИИСЭ, 1971, 13-бет), эмпирик формулалар ёрдамида ҳаракатда бўлган транспорт воситаси ва тўсатдан пайдо бўлган тўсиқ яъни ҳаракатсиз ҳолатдаги объект ёки пиёда(лар) орасидаги хавфсизликни таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофаси аниқланган бўлиб, бу масофа 1,0 м дан кичик бўлмаслиги лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қарорда келтирилган йўл шароитида, Дамас русумли автомобилнинг ҳайдовчиси ўз автомобили билан тўхтаб турган пиёда орасида 1,0 м дан кам бўлмаган ёнлама оралиқ масофа билан ҳаракатланиши лозим эди, яъни ҳайдовчи танлаган 0,7 метр ёнлама оралиқ масофаси, суд автотехник экспертизаларини бажариш бўйича услубий қўлланмаларга мувофиқ белгиланган

меъёр 1,0 мдан кам эканлиги маълум бўлди, лекин пиёда ҳаракатда бўлганлиги сабабли хавфсизликни таъминлаш яъни меъёрда кўрсатилган масофани сақлаш имконияти бўлмаган ва пиёда билан йўл транспорт ҳодисаси бўлган.

Содир бўлган йўл транспорт ҳодисасида Дамас автомобили билан ҳаракатда бўлган пиёдага нисбатан 0,7 метр бўлган ёнлама оралик масофа техник нуқтаи назардан хавфсиз масофа бўла олмайди.

Таклиф: Ҳайдовчи ёнлама хавфсиз оралик масофани аниқланган тўсиқнинг ҳаракатсиз эканлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин уни четлаб ўтиш чораларини кўриш, аксинча у ҳаракатда бўлса тезликни кескин пасайтириб вазиятга тўғри баҳо бериб четлаб ўтишнинг имконияти бўлмаса автомашинани тўхтатиш чоралари кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Судебная автотехническая экспертиза. Ч.2.-М.1980 г.- 491 с.
2. Основы трасологии-М.1974 г.- 240 с.
3. Методические рекомендации по производству автотехнической экспертизы, Кристи Н.М. М. ЦНИИСЭ, 1971г.
4. <https://cyberleninka.ru/article/n/haydovchilarni-tayyorlashda-raqamli-o-zbekiston-2030-dasturini-joriy-etish>
5. <http://innosci.org/index.php/IJSES/article/view/151>
6. <http://innosci.org/index.php/IJSES/article/download/149/125>
7. <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/noiv/article/view/1279>
8. <http://sciencebox.uz/index.php/jars/article/view/2785>
9. <https://cyberleninka.ru/article/n/y-llarda-transport-o-imini-bosh-arish-va-y-l-transport-odisalarini-kamaytirilishiga-aratilgan-choralar>
10. <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/108>
11. https://www.e3s-conferences.org/articles/e3sconf/abs/2021/40/e3sconf_conmechhydro2021_02026/e3sconf_conmechhydro2021_02026.html
12. <https://cyberleninka.ru/article/n/factors-leading-students-to-failure-and-their-innovative-solutions>
13. <https://cyberleninka.ru/article/n/yo-l-harakati-xavfsizligini-oshirish-tadbirlariga-xorijiy-yondoshuvlarning-amaliyotga-tadbiqi>
14. <http://sciencebox.uz/index.php/jars/article/download/2776/2547>